


[Redacted text block]

Раджапов Азиз Мамирбаевич ижтимоий фойдали меҳнат тури билан шуғулланмасдан, 2022 йил 26 сентябрь куни соат 10:30 ларда спиртли ичимлик ичиб маст ҳолатда Юқоричирчиқ тумани “Султонравот” маҳалласи Наврӯз кўчаси 4-уйда бўла туриб, ушбу уйда яшовчи таниши 1997 йилда туғилган Махсуталиева Малика Махамаджон қизи ундан ўрталарида ишқий муносабат бўлганлиги учун пул талаб қилганлигидан дарғазаб бўлиб, таъмагирлик ниятида М.Махсуталиеванинг мол-мулкани талон-торож қилиш ва уни қийноққа солиш, унга қаттиқ азоб-уқубат етказган ҳолда қасддан ўлдиришни мақсад қилиб, уйнинг ҳовлисида уни юз қисмига ўнг қўлининг мушти билан бир неча маротаба уриб, унинг ушбу тажовузидан қочмоқчи бўлган М.Махсуталиева ерга йиқилганлигидан фойдаланиб, ўта шафқатсизлик билан ушбу ерда турган унга кучли оғриқ берувчи эни 35 см, узунлиги 45 см, баландлиги 25 см, оғирлиги 20-25 кг бўлган бетон тош бўлагини қўлига олиб,



ушбу тош бўлаги билан М.Махсуталиеванинг юз-бош соҳасига юқоридан пастга қарата зарба берган ҳолда тан жароҳати етказиши оқибатида жабрланувчи ҳодиса жойида вафот этган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2022 йил 14 октябрь кунидаги 172-А.Л-сонли хулосасига кўра, мархума М.Махсуталиеванинг ўлимига “Бош мия очик жароҳати, калла суяклар синиши, бош мия пардалар остига қон қуйилиши, бош мия лат ейиши, тананинг қонталашлари ва шилинмалари” каби тан жароҳатлари сабаб бўлганлиги, ушбу жароҳатлар белгисига кўра “оғир” тан жароҳатлари




яшашлигини билмаганлигини, шунда М.Махсуталиеванинг ўзи ҳам бу ерга бир ой олдин кўчиб келиб, ижара асосида яшаб келаётганлиги ҳақида айтганлигини, улар бироз гаплашиб, М.Махсуталиева уни уйига чой ичишга таклиф қилганида, у қаршилиқ қилиб, турмуш ўртоғи келиб қолиши мумкинлигини айтганлигини, М.Махсуталиева эса турмуш ўртоғи соат 18:00дан олдин уйга келмаслигини айтиб, бирга жинсий алоқа қилишни таклиф қилганида, у рози бўлиб, темир дарвоза орқали ичкарига кирганлигини, ўнг қўл томонда яшаш учун мўлжалланган хоналар бор бўлиб, уларнинг биттасида М.Махсуталиеванинг икки нафар фарзандлари ухлаб ётганлигини кўрганлигини, улар овқатланиш учун мўлжалланган хонага кириб, хонтахта ёнидаги кўрпачада жинсий алоқада бўлганлиги ва шундан кейин хонадан чиқиб, ҳовлининг ўнг бурчагидаги ҳаммомда таҳорат олиб чиққанлигини, улар дарвоза олдида яна бироз гаплашиб, кейин у ердан кетганлигини, шундан сўнг 2022 йил 26 сентябрь куни



соат тахминан 10:00 ларда опаси уни уйига чақирганлиги учун йўлда кетаётиб дўкондан 100 грамм ароқ ва пиво ичганлиги ҳамда у ердан чиқиб келаётганида М.Махсуталиевани кўриб қолиб, у билан М.Махсуталиева яшаётган уйнинг рўпарасидаги столба тагида бироз гаплашганлигини, М.Махсуталиева унга соғинганлигини айтиб, уни уйига таклиф қилганида, унга бу кайфиятда эмаслигини тушунтириб, лекин шу вақтда қорни оғриб турганлиги сабабли М.Махсуталиевадан хожатхонасига кириб чиқишни сўраганлигини, у ердан чиқиб, кўчага чиқмоқчи бўлганида М.Махсуталиева ундан боласи касаллиги ҳамда кўчадан қарзи борлигини айтиб пул сўраганлигини, М.Махсуталиева ундан пул сўрайвергач пул бўлиб қолса ёрдам беришини тушунтириб ҳовлидан чиқиб кетаётганида М.Махсуталиева унга “ҳозир устимдаги кийимларимни ечиб, кўчага югуриб чиқиб, мени зўрламоқчи деб, шантаж қиламан” деганлигини, шундан кейин уларни ўртасида бироз гап қочиб, ўша вақтларда оиласи ҳам нотинч бўлиб, ота-онаси билан уришиб қолганлиги ва уйдан чиқиб кетиб, опасининг уйида яшаб юрганлиги, турмуш ўртоғи ҳам болаларини олиб, анча вақтдан бери ота-онасининг уйида яшаб юрганлиги сабабли М.Махсуталиеванинг унга нисбатан айтган ҳар-хил бўлмағур гапларидан уни жахли чиқиб, мушти билан уни чап юз қисмига уриб юборганлигини, М.Махсуталиева орқага 2-3 қадам юриб, оёқ кийими ечилиб кетганлиги ва уйнинг чап тарафидаги бурчак томонга қараб қочганлигини, уни орқасидан қувиб бориб, яна бир маротаба чап юз қисмига муштлаб урганида, М.Махсуталиева йиқилиб тушганлиги ва юз қисми билан тепага қараб ётиб қолган вақтида у ерда ётган бетон бўлагини олиб, уни устига отиб юборганлигини, шундан сўнг ётоқхонага пул кидириш мақсадида кириб, у ерда М.Махсуталиеванинг фарзандлари ухлаб ётганлигини кўрганлиги ва уйдаги тортмаларни ҳамда кроватнинг бурчак томонларини тортиб кўриб, беркитиб қўйилган пулларни олганлиги ҳамда кейинчалик санаб кўриб, пулларни 1.900.000 сўм эканлигини билганлигини, пулларни олгач тезда уйдан чиқиб кетиб, маҳалланинг ички қисми орқали юрганлиги ва маҳалланинг ичида жойлашган дўконларнинг биридан “флеш” энергетик ичимлигини олиб ичганлигини, дўкондан чиқиб катта йўл тарафга юрганлиги ва светофорнинг чап бурчагидаги уй-кафедан ҳам бир дона “флеш” ичимлигини олиб, унинг илтимосига кўра дўкондаги қиз чақириб берган оқ рангли “Нексия-3” русумли такси автомашинасида “Қўйлик” бозорига борганлигини, у ерда Сомон бозоридаги квартираларда ижарада яшаб, ҳеч қаерда ишламасдан бекорчиликда юрганлигини, ҳозирги кунда эса қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, уни М.Махсуталиевани ўлдириш нияти бўлмаганлигини, қилмиши учун уни оила аъзоларидан кечирим сўрашини билдириб, суддан уни оилавий ва моддий шароитини инобатга олган ҳолда енгиллик беришни сўради.

Судланувчи А.Раджапов унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб



Ҳужжат имзоланган: Хотамов Хуршид Хотамович, 13.03.2023





тез-

тез келиб турганлигини, лекин эр-хотин ўртасида жанжал бўлганини умуман кўрмаганлигини, 2022 йил 26 сентябрь куни соат 14:00ларда шахсий ишлари билан Тошкент шаҳрида юрган вақтида А.Турсунбоев кўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғини бошига ғишт тушиб кетганлиги ҳақида айтганлигини, шундан сўнг А.Турсунбоев яшаб юрган маҳаллага борганида у ерда ИИБ ва тез ёрдам ходимларини кўрганлигини билдириб ўтди.

Суд ҳайъати, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи А.Раджаповнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни суд мажлисига узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаган гувоҳларнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувлари, суд мажлисида, судланувчи ва процесс иштирокчиларининг розилиги билан ўқиб эшиттирилганида, судланувчи томонидан тасдиқланганлиги билан, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, фотожадвал ва диск билан (и.в.8-44), шахсни таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва фотожадвал билан (и.в.112-114, 122-124, 149-155), нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал билан (и.в.194-201, 328-330, 332-335), судга оид тиббий экспертиза хулосаси билан (и.в.262-270), судга оид психиатрия экспертиза хулосаси билан (и.в.283-284), судга оид криминалистика экспертиза хулосаси билан (и.в.292-295), судга оид биологик экспертиза хулосаси билан (и.в.303-312), нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва фотожадвал билан (и.в.372-383) ҳамда мазкур жиноят ишида тўпланган холисона ҳамда бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ҳам ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сонли «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 14-бандида, “Айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар учун моддий наф кўриш (пул, мол-мулкни ёки унга эгалик ҳуқуқини, турар жойга нисбатан ва шу каби ҳуқуқларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳақ тўлашдан, мулкий мажбуриятларни бажаришдан, алимент тўлаш ва шу кабилардан)



кутулиш мақсадида қасдан одам ўлдириши таъмагирлик ниятида содир этилган жиноят сифатида (ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «и» банди билан) квалификация қилиниши лозим.

Қотиллик учун ҳақ ваъда қилган ташкилотчи (буюртмачи)нинг ҳаракатлари у қайси сабабларга кўра шундай қилганлигидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 28, 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинмоғи керак.

Жиноят иштирокчилари ўртасида қасдан таъмагирлик ниятида одам ўлдириш тўғрисида олдиндан тил бириктирилмаган тақдирда, қотиллик жиноятини бажарувчи шахсининг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «и» банди билан, бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари эса, ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «и» банди истисно этилган ҳолда, ушбу модданинг тегишли қисми билан квалификация қилинади.

Босқинчилик, товламачилик билан боғлиқ ҳолда қасдан одам ўлдириш ҳаракатлари ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг «и» банди ҳамда Жиноят кодексининг босқинчилик ва товламачилик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан квалификация қилинади.

Агар айбдорда моддий наф кўришга нисбатан қасд қотиллик содир этилганидан кейин пайдо бўлган бўлса, қилмиш ЖК 97-моддасининг тегишли қисми билан ҳамда Жиноят кодексининг ўзганинг мулкани талон-торож қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича квалификация қилинмоғи лозим”, деб кўрсатилган.

Иш ҳолатларидан кўринишича, судланувчи А.Раджапов дастлаб ундан пул талаб қилаётган жабрланувчига ушбу пулларни тўламаслик мақсадида, яъни моддий харажатлардан қутулиш учун қасдан ушбу жабрланувчини ўлдирган. Бу ҳаракатлар жиноятни “таъмагирлик ниятида” содир қилинганлигини тасдиқлайди.

Шундан сўнг судланувчи А.Раджапов ушбу уйдан жабрланувчига тегишли пул маблағларини қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Суд ҳайъати, юқоридаги Пленум қарори талабаларига кўра, судланувчи А.Раджаповнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг:

- ўта шафқатсизлик билан, таъмагирлик ниятида қасдан одам ўлдиришда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг “ж, и” бандлари билан билан;

- босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкани қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб, баданга оғир шикаст етказган ҳолда талон-торож қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 164-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи А.Раджаповнинг ҳаракатларини босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкани уй-жойга, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кириб, талон-торож қилишда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан билан қўйидаги асосларга кўра, нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Қонун мазмунига кўра, айбдорнинг қилмишини Жиноят кодекси 164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан квалификация қилиш учун унинг бинога кириб олганлигининг ўзи етарли бўлмай, балки ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилишга қасд қилган ёки қилмаганини ҳам аниқлаш зарур. Бунда қасд бинога кириб олгунга қадар юзага келган бўлиши керак. Айбдор талон-торож содир этиш ниятисиз уй-жойга, омборхонага ёки бошқа бинога кирган ва моддий бойликларни кўрганидан сўнг ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli зўрлик ишлатса, бундай ҳаракатларда ғайриқонуний кириш белгилари мавжуд бўлмайди ва қилмишни Жиноят кодекси 164-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан квалификация қилиш мумкин эмас, айбдорнинг қилмишида бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлма-са, у Жиноят кодекси 164-моддаси 1-қисми бўйича жавобгар бўлади.

Иш ҳолатларидан кўриниб турибди-ки, судланувчи А.Раджаповнинг жабрланувчига тегишли пулларни талон-торож қилиш нияти улар ўртасида жанжал юзага келиши оқибатида жабрланувчига оғир тан жароҳати етказилганидан сўнг



инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги;

- жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

- жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 8-моддасининг 1-қисмида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлишлиги, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга



қаратишлари лозим”

шарт-шароитларини, шу билан бирга жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларини эътироф этиб, зотан, суд, жабрланувчининг қонуний вакилини судланувчига нисбатан даъвоси борлигига ва уни кечирмаганлигига ҳам ўзини танқидий баҳосини беради, бинобарин, суд, келгусида бунда-да оғир оқибатларни олдини олиш мақсадини ҳам кўзлайди ва ҳуқуқий тарбиявий жиҳатларини ҳам эътиборга олади, шу аснода жазо тайинлашнинг баҳолаш мезонидан ва юқорида қайд этилган асослардан келиб чиқиб, у айбли деб топилаётган моддалар санкциясида назарда тутилган жазоларни тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 51-бандида “Икки ёки ундан ортиқ жиноятлар мажмуи бўйича асосий жазо белгилашда, суд алоҳида жиноятлар учун тайинланган жазоларнинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш ёки уларни тўла ёки қисман қўшиш

[Redacted text block]

Ҳужжат имзоланган: Хотамов Хуршид Хотамович, 13.03.2023



[Redacted text block]



[REDACTED]-моддаси 3-қисмининг “Г” банди билан 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 19 (ўн тўққиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ учун умумий тартибли колонияларга юборилсин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 29 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Раджапов Азиз [REDACTED]

[REDACTED]

[REDACTED] ёндиргич, мушкиамбар ва қизил рангли аёллар кармони жабрланувчининг қонуний вакили Х.Юлдашевага қайтарилсин;

- ДВД диск жиноят иши [REDACTED]

[REDACTED]

[REDACTED]

[REDACTED]

